

**ЛОЙИХА-СМЕТА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН**

ШАРТНОМАСИ № 58

Жиззах шаҳар

«15» 09 2022 йил

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Жиззах вилоят худудий филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари **А.Тошбулов** ва «So'g'diyona qurulish loyiha» МЧЖ (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор **А.Норкулов** мазкур шартномани куйидагилар, ҳақида туздилар.

1.1. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса. Ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи кейинги ўринларда «Хизматлар деб аталадиган куйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади: Лот № 22110012140808 рақамли Жиззах шаҳар худудидаги кўп квартиралли уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари учун лойиҳа-смета ҳужжатларини таёрлаш ва экспертиза хулосасини олиш.

Хизматлар тури	Сони	Қиймати	Суммаси	ҚҚС 15%	Ҷами ҚҚС билан
Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш	1	8 331 000	7 244 347	1 086 653	8 331 000
<b>Ҷами:</b>	1	8 331 000	7 244 347	1 086 653	8 331 000

1.2.2. Амал қилиш муддати: 2022 йил 31 декабр гача,

Ижрочи Хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.

1.3.1. Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

**2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур келишув битими 1.2.2-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Буюртмачи томонидан кўрсатилаётган хизмат учун олдиндан 30 % тўловни амалга оширади, қолган 70 % хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган кунга қадар ҳақ тўлаш.

2.3 Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Хар қандай вақтда ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажаралиётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзоланган кунга қадар хар қандай вақтда шарномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олгунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочиға тўлаш.

2.3.3. Мазкур шартнома тарафлар уни имзолаган пайтдан бошлаб қучга қиради ва томонлар уз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

**3. Тарафларнинг жавобгарлиги:**

3.1. Мазкур шартнома баҳоси **8 331 000** минг (саккиз миллион уч юз уттиз бир минг ) сум **00 тийин**

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочиға кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисоб варағига пул маблағларини кўчириш йули билан амалга оширилади.

3.3. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи конунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

3.4. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбуриятни зиммасига олади.

**4. Тарафларнинг жавобгарлиги:**

4.1. Мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачиға кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳаққини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи ижрочиға ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

### 5. Форс-мажор ҳолатлари:

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

### 6. Низоларни ҳал этиш тартиби:

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар уртасида имкон қадар музокаралар йули билан ҳал этилади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йули билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда қўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг уларни

Иқтисодий суд

(Тарафлар томонидан низоларни ҳал этиш учун танланган суднинг номи)

Жиззах туманлараро иқтисодий суди Жиззах шаҳри.

(ва жойлашган жойи кўрсатилсин)

қўриб чиқишга топширадилар.

### 7. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби:

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

### 8. Яқуний қоидалар:

8.1. Мазкур шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

8.3. Шартномага илова \_\_\_\_\_

### 9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

#### ИЖРОЧИ:

“So'g'diyona qurulish loyiha”

Масъулияти чекланган жамияти

Манзил: Сардоба тумани. Ҳалқаобод МФЙ

Ибн Сино кучаси 3 уй, 1 хонадон

тел. моб. 99.558-09-59.

х/р 2020 8000 9053 2054 3001

АТБ «Турон банк»

Жиззах филиали

МФО: 00982 ИНН: 308031501

ОҚОНХ: \_\_\_\_\_



А.Норқулов  
(Ф.И.Ш)

#### БУЮРТМАЧИ:

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК

Жиззах вилоят ҳудудий филиали.

Манзил: Жиззах шаҳри А.Навоий 4-уй

СТИР: 307 918 457

л/с: 100021860084017069902110011

Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Тошкент ш. МБББ ХХКМ

МФО: 00014, СТИР: 201122919



Рахбар: \_\_\_\_\_

А. Тошбулов

Рамаз персена: \_\_\_\_\_

## "ТАСДИҚЛАЙМАН"

Жиззах вилояти уй-жой коммунал  
хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи

 М.Бобобеков.

2022 йил.



“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Жиззах вилоят худудий филиали танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5152-сонли қарорининг 3-илоvasи ижроси юзасидан 2022 йил Жиззах вилоятидаги кўп қаватли уйларнинг туташ худудларини ободонлаштириш бўйича Жиззах шаҳар худудидаги кўп қаватли уйлар олдига 1 та болалар майдончаси ўрнатиш, 60 п/м ирригация тармоқларини таъмирлаш, 4,515 (минг кв.м) йўлакларни бетон қопламаси билан қоплаш, 53 дона ташқи ёритиш тизимини ўрнатиш ишларига лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиб, ижобий экспертиза хулосасини олиш ишлари бўйича 140808-сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловига

### ШИКОЯТ ТУШМАГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА БАЁННОМАСИ № 05

2022 йил 15 сентябр

Жиззах ш.

#### КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- |                 |  |
|-----------------|--|
| 1.М.Бобобеков   | - Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи комиссия раиси          |
| 2.А.Тошбулов    | - “КХУМЖТХИТОҚБИК” ДУК Жиззах вилоят худудий филиали раҳбари комиссия аъзоси |
| 3.Р.Қурбонов    | - бош мутахассис комиссия аъзоси   |
| 4.А.Мамарахимов | - етакчи мутахассис комиссия аъзоси  |
| 5.С.Раимқулов   | - етакчи мутахассис комиссия аъзоси  |
| 6.Д.Усанов      | - бош муҳандис комиссия котиби   |

#### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА

Жиззах шаҳар худудидаги кўп қаватли уйлар олдига 1 та болалар майдончаси ўрнатиш, 60 п/м ирригация тармоқларини таъмирлаш, 4,515 (минг кв.м) йўлакларни бетон қопламаси билан қоплаш, 53 дона ташқи ёритиш тизимини ўрнатиш ишларига лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиб, ижобий экспертиза хулосасини олиш ишлари бўйича 140808-сонли лотга асосан ўтказилган электрон танловига асосан ўтказилган электрон танлов муҳокамаси.

## ЭШИТИЛДИ:

Танлов комиссияси аъзоси Р.Қурбонов сўзга чиқиб, Жиззах шаҳар ҳудудидаги кўп қаватли уйлар олдига 1 та болалар майдончаси ўрнатиш, 60 п/м ирригация тармоқларини таъмирлаш, 4,515 (минг кв.м) йўлақларни бетон қопламаси билан қоплаш, 53 дона ташқи ёритиш тизимини ўрнатиш ишларига лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, ижобий экспертиза хулосасини олиш бўйича “etender.uzex.uz” ахборот порталига энг яхши таклиф учун 9 256 273 сўмга электрон танловга эълон жойлаштирган эдик.

Мазкур эълонга асосан 2022 йил 12 сентябр куни ўтказилган электрон танловда 140808-сонли лотга асосан SO`GDIYONA QURILISH LOYIXA ғолиб деб эълон қилинди. Юқоридаги кўрсатилган ишларни бажартиришимиз зарур бўлмоқда. Ўтказилган энг яхши танлов бўйича фикр мулохазаларингизни ва таклифларингизни билдиришларингизни сўрайман.


Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари А.Тошбулов, Д.Усанов, А.Мамарахимов, С.Раимқуловлар сўзга чиқиб ўз фикр мулохазаларини билдирдилар ва танловнинг электрон портал орқали шаффоф ўтказилганлиги, танлов бўйича ҳеч қандай эътироз ёки шикоятлар бўлмаганлигини ўз сўзларида маълум қилдилар.

Билдирилган фикр мулохазаларни инобатга олиб, танлов комиссияси

## ҚАРОР ҚИЛАДИ

Мазкур танлов юзасидан ҳеч қандай шикоят тушмаганлиги SO`GDIYONA QURILISH LOYIXA электрон танловда ғолиб чиққанлиги сабабли танлов қонун талабларига кўра электрон тарзда бўлганлиги сабабли танлов шаффоф ўтган деб топилсин.


1. А.Тошбулов




2. Р.Қурбонов



3. А.Мамарахимов



4. С.Раимқулов



5. Д.Усанов

